

Аллоҳга тўрт марта ҳамд айтаман



08:30 / 22.01.2019 4609

Қози Шурайҳ айтадилар: «Менга битта мусибат етса, Аллоҳ аzza ва жаллага тўрт мартаба ҳамд айтаман:

Биринчиси – бундан ҳам каттароқ мусибат етмагани учун ҳамд айтаман.

Иккинчиси – мусибатга сабр бергани учун ҳамд айтаман.

Учинчиси – мусибат етганда истиржо айтишга тавфиқ бергани учун ҳамд айтаман, чунки истиржо айтиб, савоб умид қиламан.

Тўртинчиси – бу мусибатни динимдаги мусибат қилгани учун ҳамд айтаман».

«Солиҳлар гулшани» китобидан